

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**EARLY ARAB PERCEPTIONS OF PROSE****Feruz Sh. Djuraeva**

Associate Professor, PhD in Philology

Department of Languages - I

Oriental University

fairuz.djuraeva@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: early Arabic literature, concept of kalām, manthūr discourse, manzūm speech, Arabic prose, prose and poetry distinction, artistic prose, rhetorical thought, Arabic poetics, early literary theory.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article examines the earliest Arab perceptions of prose and its conceptual formation in pre-classical Arab thought. Special attention is given to the notion of kalām as a central linguistic and aesthetic category, divided into manzūm (metrical speech) and manthūr (non-metrical speech). Ordinary communicative speech is interpreted as the primary form of prose, while ornamented speech represents the emergence of artistic prose. The study also analyzes the traditional Arab distinction between prose as non-metrical discourse and poetry as rhythmically and rhymed expression.

ҚАДИМ АРАБЛАРНИНГ НАСР ҲАҚИДАГИ ИЛК ТУШУНЧАЛАРИ**Феруза Ш. Джуроева**

Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ориентал университети

fairuz.djuraeva@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қадимги араб адабиёти, калом тушунчаси, мансур калом, манзум калом, араб насри, назм ва наср, бадий наср, нутқий тафаккур, араб поэтикаси, илк адабий назария.

Аннотация: Мазкур мақолада қадимги арабларнинг наср ҳақидаги илк назарий тасаввурлари таҳлил қилинади. Араблар нутқий тафаккурида “калом” тушунчаси марказий ўрин тутгани, унинг мансур ва манзум шаклларга ажратилгани илмий манбалар асосида ёритилади. Мулоқот жараёнида қўлланилган оддий калом насрнинг ибтидоий кўриниши

сифатида, бадий унсурлар билан безатилган калом эса бадий насрнинг илк шакли сифатида талқин этилади. Шунингдек, араб эстетик қарашларида наср вазн ва қофиясиз, назм эса вазн ва қофияга асосланган калом экани асосланади.

РАННИЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ ДРЕВНИХ АРАБОВ О ПРОЗЕ

Феруза Ш. Джураева

Доцент, доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Университет Ориентал

Ташкент, Узбекистан

fairuz.djuraeva@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: древняя арабская литература, понятие калам, мансур калам, манзум калам, арабская проза, проза и поэзия, художественная проза, риторическое мышление, арабская поэтика, ранняя литературная теория.

Аннотация: В статье рассматриваются ранние представления древних арабов о природе прозы и её формировании в системе арабского словесного мышления. Особое внимание уделяется понятию «калам», которое делилось на манзум и мансур. Обычная разговорная речь интерпретируется как первоначальная форма прозы, тогда как украшенный художественными элементами калам рассматривается как ранний этап художественной прозы. Также анализируется традиционное различие между прозой как речью без рифмы и метра и поэзией как метрически организованным словом.

Кириш. Қадимги араб адабий тафаккурида наср мустақил назарий тушунча сифатида эмас, балки умумий нутқий ҳодиса — калом доирасида шакллланган. Илк давр араблари учун сўз аввало амалий нутқ воситаси бўлиб, унинг бадий ёки адабий хусусиятлари кейинчалик назарий англаш объектига айланган. Шу сабабли насрнинг илк шакллари тушуниш учун арабларнинг калом ҳақидаги тасавурларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Араблар нутқни мазмун ва шакл хусусиятларига кўра манзум ва мансур каломга ажратганлар. Манзум калом вазн ва қофияга асосланган бўлиб, шеърини нутқни англатган, мансур калом эса вазн ва қофиядан холи бўлган нутқ сифатида қабул қилинган. Ана шу тасниф кейинчалик назм ва наср ўртасидаги назарий фарқнинг асосига айланган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Қадимги араб адабий меросида калом, мансур ва манзум калом тушунчаси ҳақидаги қарашлар луғатшунослик, балоғат ва адаб илмига оид манбаларда тартибсиз ҳолда учрайди. Ал-Жоҳизнинг (767 - 868) “ Китаб ал-байан ва ат-

табйин”, Ибн ал-Асир (1160 -1233(1234)) “ Ал-масал ас-саир”, Кудаман ибн Жаъфар (873 - 932(948)) “Накду ан-наср” ва Абу Хилал ал-Аскарый (920 - 1005) “Китаб ас-синаъатайни”, Ибн Вахб ал-Катиб(тах. 937 йилда в.э.) “Ал-бурхан фи вужухи ал-байан”, Ибн Халдуннинг (1332 – 1406) “Муқаддимату Ибн Халдун” асарларида каломнинг шаклий ва эстетик хусусиятлари ҳақида муҳим мулоҳазалар берилган. Ушбу манбаларда наср алоҳида жанр сифатида эмас, балки вазнсиз нутқ шакли сифатида талқин қилинади. Шунингдек, ўзбек олимларидан Рустамий Алийбег ва Рустамий Салима асарларида араб балоғатига оид қарашлар, араблардаги калом тушунчасига оид фикрлар ёритилган.

Қадим арабларда наср ҳақидаги тасаввурлар замонавий араб адабиётшуносларидан Умар Фаррух, Али Жундий, Ханна ал-Фахуриларнинг араб адабиёти тарихига бағишланган асарлари ҳам мавзу учун қимматли манбалар ҳисобланади.

Мақолада тарихий-қиёсий, концептуал таҳлил ҳамда филологик интерпретация усулларидан фойдаланилди. Манбалардаги атамалар семантикаси уларнинг пайдо бўлиш контексти билан биргаликда таҳлил қилиниб, “калом”, “мансур” ва “манзум” тушунчаларининг маъно доираси қайта тикланди.

Натижалар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қадимги араблар тасаввурида наср аввало кундалик мулоқот тилига яқин нутқ шакли сифатида тушунилган. Оддий мулоқот каломи насрнинг табиий асосини ташкил этган бўлса, бадий тасвир воситалари, сажъ, ҳикмат ва образли ифода билан бойитилган калом бадий насрнинг дастлабки кўриниши сифатида шаклланган. Шу тариқа араб адабий онгида наср ва назм ўртасидаги асосий фарқ мазмунда эмас, балки шакл, яъни вазн ва қофия мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги билан белгилангани эҳтимоли аниқланди. Бу ҳолат араб насрининг илк босқичда мустақил эстетик тизим сифатида эмас, балки нутқий амалиётдан ўсиб чиққан ҳодиса эканини кўрсатади.

Жоҳилия арабларининг наср ҳақидаги илк адабий тасаввурлари, наср деб аталган кўҳна араб мероси остида нималар жамлангани ёхуд бу адабий шакл учун ўша илк замонларда қандай талаблар қўйилганини аниқлаш тадқиқот мавзуси моҳиятини очишга тўғридан - тўғри хизмат қилади.

Араблар нутқ, хусусан, адабиёт билан боғлиқ тушунчаларини калом сўзи билан ифодалайдилар, адабиётни турларга бўлишда мансур ва манзум каломни қўллайдилар. Тадқиқот мақсадига етиш учун аввало калом тушунчасига ойдинлик киритиш талаб қилинади.

Араблардаги филологик фанлар асосида айнан калом ёхуд нутқ, гап, жумла тушунилади. Арабларнинг сўз санъатига маҳоратида юксаклиги ҳам айнан балоғатли калом “шу тилда кечадиган тил ҳодисалари ва қонуниятларига мос равишда тузилиши ва бу унинг

шаклий ва маъновий гўзаллигини таъминлашга хизмат қилиши керак.” (Rustamiy, 2019, p. 12)

Исломдан аввалги даврларда яшаган кўп сонли араб қабилалари бадий нутқ маҳоратини мукамал эгаллаган ўз шоирлари, хатибларига эга бўлишган, бироқ мазкур даврларда нотиклик ёки адабий танқидга оид аниқ бир қўлланма ёки манба йўқ эди. Ровийлар орқали тилдан - тилга, макондан - маконга ўтиб машҳурлик касб этган илк ўрта асрлар араб шеърлатию насрининг асосий танқидчилари” ҳам, “мухлислари” ҳам араб қабилалари эди.

Араблардаги сўз санъатига қобилият туғма эди, шу боис жоҳилия даврларида балоғату фасоҳатли нутқлари, шеърлари билан халқ оммаси кўнглига кириб борган, уларни ўзига шайдо қилган жуда кўп тарихий шахслар номи манбаларда келтирилади, номлари тарихга муҳрланган сўз усталари араб тингловчиларини таъсирлантира олган ва шу боис машҳурликка эришган тоифа эди. Тасаввур қилиш мумкинки, бу тоифага кўтарилиш учун араб қабилалари шоирлари, хатиблари омманинг кўз ўнгида катта рақобатни енгиб ўтиши лозим эди. Шундай талабни бажариш учун ҳар йили минглаб сўз усталари Укоз бозорига келишган; энг сара нутқ ёки шеър айта олганларнинггина шуҳрати бутун Арабистон ярим ороли бўйлаб тарқалган.

Насрда айтилган хитоба, васият ёхуд мазмуни бой ва араб ҳайотига муносиб ҳикматлар ҳам жоҳилия шоирлари қасидаларидан кам бўлмаган.

Шу ўринда илк ўрта асрлар араб насри ҳақида фикр юритиш, арабларнинг илк бадий ижодини таҳлил қилишга киришишдан аввал, биз бу қадим наср ҳақида унинг ўзи туғилиб, тараққий қилганидан бир қанча асрлар ўтгач ёзилган ва тартибга солинган ўрта аср манбаларига таянишимизни, наср арабларнинг кундалик ҳаётида доимий иштирок этгани, бадий наср деб баҳолайдиганимиз матнлар турли вазиятларда айтилганини, мансур ва манзум калом тушунчалари ўрта аср араб филологлари томонидан қўлланилгани фактини диққатдан қочирмасликни лозим ҳисоблаймиз.

“Калом, Аллоҳ сени қўллагур, ўзининг раволиги ва енгилиги, аниқ, равшанлиги, сўзларнинг сараланганлиги, ўқишга ёқимлиги, бўлак(бўғин) охирларининг юмшоқлиги, қисмларининг тенг тақсимланиши ва томонларининг ўзаро баробарлиги билан мукамал бўлади.” (Al-Askariy, 1981, p. 69.)

Шу ўринда Абу Ҳилол Ал Аскарининг мазкур таърифини наср ёки назмдан қатъий назар, арабларнинг яхши каломга нисбатан адабий меъёрлари деб ҳисоблаш мумкин.

Тадқиқот доирасида ўрганилаётган даврларда араблар каломни наср ва назм учун бирдек қўллашган. Бироқ калом сўзининг луғавий маъносида тил қудратига нозик ишора

хам яширин: ”Калом нафсий ва раҳмоний(инсонга ва Аллоҳга) хос сифатдир. У ал - калм - الكَلَم - яра, жароҳатлаш сўзидан келиб чиққан. Ал-калм бу жароҳатдир. Шу сабабли каломни ярадорнинг жисмида қолган жароҳат изи каби таъсирли деб айтамыз.” (Ibn al-Arabi, 1999, p. 281)

Ибн Ваҳбнинг мансур ва манзум ҳақидаги қараши эса шундай: “Билгинки, араблар тилида юривчи ибора ёки манзум ёки мансур бўлади. Ал-манзум бу шеърдир, ал-мансур эса каломдир”. (Ibn Wahb, 1969, p.127.)

Ушбу таърифга кўра, қадим араблар учун каломдаги вазн унинг наср ёки назм эканлигини аниқлаш меъёри ҳисобланган, бироқ “калом” баъзан қофия ва вазнсиз нутқ - насрни ҳам англатган.

“Яхши калом икки турлидир: наср ва шеър. Насрга келсак, у тартибга солинмаган, вазнга эга бўлмаган табиатдадир. Унга сажъ, мувазана, такаллуф киради ва бундай калом наср бўлиб қолади. Аммо назмга келсак, у қофияли, ваззли каломдир. Агар назм ўзининг маъноси; сўзларни танлаш; ифода нафислиги; уйғунликда ҳам мукаммал бўлса; хаёл, тасаввур гўзаллиги; қалбга таъсир кучига эга бўлса, у шеърдир. Ушбу хусусиятлар каломда вазнга солинмаса ҳам биз уни шеър деб атайверамиз, негаки шеър моҳиятан ақлни асир этадиган, ҳис-туйғуларни эгаллайдиган ва қалбни сеҳрлаб оладиган нарсадир. (Farrux, 1981, p. 44)

Жоҳилия адабий мероси асосидага ушбу хулосада эса наср ва назм чегараларини аниқлашда вазн меъёрига қўшимча равишда шеърнинг маъно ва таъсир қудрати ҳам тилга олинади.

Бироқ наср ҳақидаги: “Баён илмининг даъвогарларига кўра калом икки қисмга ажралади:

1. Ийжаз-қисқаликда мукаммал бўлган калом; унга шеърлар ва мукатабат-ёзишмалар, номалар киради.

2. Татвил-узунликда мукаммал бўлган калом; унга хитобалар ва -афсоналар киради (Ibn al-Asir, 1979, p. 3) – деган фикр насрнинг турлари, жанрлари ва жанр хусусиятларидан келиб чиқиб билдирилгани эҳтимолга яқин.

Шу ўринда айтиш жоизки, хусусан ўзбек тилидаги наср тушунчаси, умуман эса адабиётшуносликда насрга берилган таърифлар замирида ҳам араб тилидаги наср сўзи ва унинг маънолари ётади.

Арабларда наср: النَّثْرُ: الكَلَامُ الجَيْدُ النَّثْرُ يَرْسَلُ بِلَا وَزْنٍ وَلَا قَافِيَةٍ
(<https://www.almaany.com/ar/dict/ar->), яъни вазн ва қофиясиз айтилган яхши нутқ насрдир, ёки:

نثر: اللَّيْثُ: النَّثْرُ نَثْرُكَ الشَّيْءَ بِيَدِكَ تَرْمِي بِهِ مُتَقَرِّفًا مِثْلَ نَثْرِ الْجَوْزِ وَاللُّوزِ وَالسُّكَّرِ، وَكَذَلِكَ نَثْرُ الْحَبِّ إِذَا بُدِرَ، هُوَ النَّثَارُ

(<https://ghareeb.app/entry/lisan-al-arab/%D9%86%D8%AB%D8%B1>) –яъни, Ал Лайс (таърифича) наср: наср – бу сенинг бир нарсани кўлинг билан худди ёнғоқ ва данакни ёки шакарни ажратиб сочишингдир, худди шундай уруғни экиш учун сепиш ҳам насрдир ва у нисар-сочқидир.

Ал-Қомус арабча-ўзбекча луғатида наср сўзи ўзаги уясида шундай таржима берилган: نثر (y,и) نثرأ (y,и) نثرأ.сочди,сочиб ташлади, сепди. 2. الولد ~ болаларни кўпайтириб ташлади; ~ 1 الكلام)гапни тўкиб солди, кўп гапирди; 2)насрий услубда гапирди.)Al-Qamos, 2022, p. 335)

Наср сўзининг ўзбек адабиётшунослиги луғатидаги таърифи унинг арабча-арабча изоҳли луғатларда берилган маъносидан деярли фарқ қилмайди: наср (арб. - тизилмаган, тарқоқ, сочма) - бадий нутқ шаклларида бири, сочма; прозаик нутқ (Қаранг: бадий нутқ). Муомала амалиётда умуман бадий проза, Н.да битилган асарлар жами маъносида, проза терминига синоним сифатида ҳам қўлланади. Термин иккала маънода ҳам фаол ишлатилади. (Quronov, Mamajanov, Sheraliyeva, 2010, p. 201)

Кўринадики, араб тилидаги наср сўзининг маъноси ўзбек тилида ҳам унинг истилоҳий маъносини англатади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, араблар истилоҳ маъносидаги наср сўзини сўзларнинг нутқ таркибидаги тартибланишига қараб таърифлашган.

Арабларнинг илк адабий тасаввурларига кўра араб насри” араб сўзлари, истилоҳлари ва ҳарфларидан иборат ва уларнинг баъзилари синоним бўлиб, араб насри уларга ҳамоҳангдир. Араблар араб тили пайдо бўлганидан бери ўзлари гапирадиган тилда жумла ва ибораларга катта эҳтиёж сезишган. Ва бу жумла, иборалар насрдан ташкил топган эди.” (Ataya, 2010, https://www.diwanalarab.com/_%D8%B2%D9%87%D8%B1%D8%A7%D8%A1-%D8%B9%D8%B7%D8%A7%D9%8A%D8%A7-)

Шу ўринда “Араблар жоҳилиятда сўзни кўпроқ ўзининг асл маъносида вазиятга мос тарзда ишлатар эдилар, кейинчалик сўзни маъносини кўчириб ишлата бошладилар ва у янги ифода- мажозга айланди. Шу сабабли қадимги араб шеърларини ўқиганимизда бизнинг каломдан кўра мажознинг камлигига гувоҳ бўламиз, мажоз билан асл маъно ўртасида кучли алоқадорлик бўлиши керак... Жоҳилиятда араблар жуда кўп синоним сўзлар ишлатар эдилар” (Al-Vasit, 1919, p. 19) – мазмундаги фикрлар араб адабий мероси яратилишининг ибтидоси эҳтимолки, тил имкониятларидан фойдаланиш билан бошланганлиги эҳтимолини кучайтиради.

Хулосаларимиз не чоғли асосли эканини “шундай қилиб ҳам шаклга ҳам мазмунга асосланган бадий воситаларни вужудга келтиришда тилнинг имконияти чексиздир. Бундан бутун халқ фойдаланади, лекин бири кўпроқ, бири озроқ. Аммо ном қўйилган ва ном қўйилмаган ва мутахассислар хануз пайқамаган кўп нутқ санъатларининг вужудга

келишида соқов бўлмаган барча кишиларнинг иштироки бор” лигини исботлайди.)Rustamov, 1987, p. 18.)

Қадим араблар ҳаётида наср муҳим рол ўйнаган. Бу ҳақда араб адабиёти тарихига бағишланган деярли барча манбаларда, замонавий дунё арабшуносларининг тадқиқотларида қайта - қайта келтирилади.

Ханна ал-Фахури ҳам барча араб қадим адабиётини ўрганган касбдошлари каби, арабларда бизгача етиб келган насрий мерос шеърят намуналарига қараганда анчайин кам эканини эътироф этади, бироқ: ”Исломдан аввал араблар наср санъатини билишмаган дейишга ҳеч бир асос йўқ: уларда нотиклик санъати жуда ривожланган эди, мақол ва ҳикматлар кенг тарқалган эди, қолаверса, араблар тарихий ва мифологик мазмундаги ҳикояларни эшитишни жуда яхши кўрар эдилар. Бунинг сабаби, наср арабларда оғзаки ижод эдики, уни ёзувдан беҳабарлик билан изоҳлашга ҳожат йўқ эди. Арабистон ярим оролида, хусусан, ўтроқ араблар яшайдиган қисмларида алифбо ва ёзувдан фойдаланиш жуда яхши ривожланган эди. Бироқ, араблар ўзларининг ҳикоялари ва рисоалари тўпламларини ёзиб жамлаш даражасида ёзувни билмас эдилар, наср одатда сиёсий муносабатлар ва тижорат битимларини расмийлаштиришда қўлланилар эди. (Fakhuri, 1959, p. 158.)

Исломгача араб насри кундалик ҳаёт натижасидир, унга сунъийлик, бадий бўёқдорлик ва ҳаддан оширишлик хос эмас. Бироқ айни дамда, у бадий маҳорат унсурларидан ҳам холи эмаски, бунинг исботи наср муаллифларининг қофияли наср, сажъ ёки оқ шеърда ёзишгани, сўз ва гапларни вазнли қилишга интилишларидир.” (Fakhuri, 1959, p.159.)

Ўрта аср араб маданиятининг етук намоёндаси, серқирра олим Ибн Халдун қадим араблар адабиёти ҳақидаги фикрларини шундай ифодалайди: ”Бундан мақсад шуки,(яъни, адаб илмидан), унинг лисон аҳли(тилшунос ва адабиётшунослар) учун самараси бор, у(адаб) икки санъат: наср ва назмда араблар қабул қилган (арабларга хос) усуллар ва йўналишларда ижод қилишдир”. (Al-Juvaydiy, 2005, p. 553.)

Дарҳақиқат, наср ва назм қиймати юксак икки санъатдир, унинг шаъни Ибн Халдун айтганидек, ижод қилиш шартлари орқали юксалади. Бундай ижод Ибн Халдун атаган “илму ал-адаб” - адабиёт мевасидир. Бундан маълум бўладики, араблардаги бадий нутқ санъати ўзагини “калом” ташкил қилади, каломни мукамал ярата олиш улуғ санъат ҳисобланган. “Маълумки, нутқнинг асосини инсоннинг лабдан то бўғизгача оралиқдаги ички аъзоларининг махсус ҳаракатидан ҳавонинг тебраниши натижасида ҳосил бўладиган товушлар ташкил этади ва улар “нутқ товушлари” деб номланади. Нутқ ҳосил бўлиши учун бу товушлар кетма-кетлиги маъно касб эта оладиган тартибга эга бўлиши зарур. Нутқ

орқали “калом” ҳосил бўлади ва инсон ўз фикрини бирор тилда ифодаланган калом кўринишида тақдим этади. Каломдан кўзланган мақсаднинг ҳосил бўлишида фикр ва унинг каломдаги ифодаси орасида ўзаро мутаносибликнинг вужудга келиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай мосликни вужудга келтира олиш учун нотикдан калом тузиш малакасини етарли даражада эгаллаш талаб қилинади. Бу ўз навбатида фикрни ифодалашда восита бўладиган тилнинг луғат бойлиги ва қонун-қоидаларини пухта эгаллашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам олимлар қадимдан тилнинг табиати ва тил орқали фикрни ифодалаш усулларини ўрганишга катта эътибор берганлар ва унга оид махсус фанлар тизимини яратганлар. Бундай тизим Шарқда “адаб илмлари”, Ғарбда “филологик фанлар” деб аталган.” (Rustamiy, 2019, p. 9)

Араблар учун жоҳилиятдаги баъзи маиший ишлар ,яъни одамларни манфаатли ва фойдали ишлар учун ўзларига жалб қилиш, томонлар орасини ислоҳ қилиш учун баъзи одамлар орасида айланадиган суҳбатлар насрий каломда бўлган ва шу сабаб у “муҳодаса”- сўзлашув, ёки “тахотуб” ўзаро хитоблашув деб номланади.

Араблар ҳаётида насрнинг шеъриятга нисбатан кўпроқ оммавийлашгани ва араб қабиаларида қофия, вазнсиз насрда сўзлашувчилар шоирлардан кўп бўлгани эҳтимолини мана бу фикрлар ҳам тасдиқлайди: “Жоҳилия меросининг камлиги билан бирга, насрнинг шеърга нисбатан кам эканлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Жоҳилиядан етиб келган мероснинг катта қисми шеъриятдир, аммо бунинг акси бўлиши керак эдики, воқелик ва одатлар насрнинг шеърдан кўплигини тасдиқлайди. Наср, аввало, осон, қолаверса, унда чекловлар ва чегаралар йўқ, ёки шулардан холи эди. Шеър эса махсус қобилият ва луғавий иқтидорга аксар муҳтож эди. Бундан ташқари, наср тилларда узоқ айланиб юрар, шеърдан кўра уни яратиш осон эди. Жоҳилия насридан мерос бўлган нарсаларнинг камлигига сабаб, ушбу давр адабиёти эсда сақлаш эшитиш ва ривоят йўли билан кўчиб келарди ва узоқ йиллар жоҳилият асрларида асло ёзма ҳолга келтирилмаган эди. Шеърдаги мусиқийлик эшитувчини уни ёқтиришига, доим уни такрорлаб туришига сабаб бўлар, наср бундан холилиги унинг кўп миқдорда етиб келмаганига сабабдир. (Jundi, 1966, p. 158).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Rustamiy S. (2019). Linguistic views in medieval science of Balag‘at contents. O‘rta asrlar Balog‘at ilmida tilshunoslikka oid qarashlar. – Tashkent: Zilal bulakю – 239 p. (in Uzbek)
2. Al-Askariy A. (1981). The Book of the Two Crafts. Kitabu as-sina‘atayni. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiyyati. – 323 p. (in Arabic)
3. Farrux U. (1981). History of Arabic literature. Ta’rixu al-adabi al-arabiyyi. V.1. – Al-Qahira. – 774 p. (in Arabic)

4. Ibn al-Arabiy. (1999). Meccan conquests. Al-futuh al-makkiyyatu. – Bayrut: Dar al-kutub al-ilmiyyatu. – 4179 p. (in Arabic)
5. Al-Katib Ibn Wahb. (1969). The proof in the aspects of the statement. Al-burhan fi vujuh al-bayan. – 419 p. (in Arabic)
6. Ibn al-Asir D. (1979). The proverb that is common in the literature of the writer and poet. Al-masal as-sair fi adabi-l-katib va-sh-sha'ir. – Al-Qahira: Daru an-Nahda. – 432 p. (in Arabic)
7. Ibrakhimov N. and others. (2022). Al-Qamos. Arabic-Uzbek encyclopedic dictionary. V.4. Al-qomus arabcha-o'zbekcha qomusiy lug'at. 4-jild. – Tashkent. – 798p.
8. Kuronov D., Mamajonov Z., SHERALIEVA M. (2010). Dictionary of Literary Studies. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Tashkent: Akademnashr. – 400p. (in Uzbek)
9. Ataya Z. (2010). Arabic Prose and its Pioneers. An-nasr al-arabiyyu va a'lamuhu. [https://www.diwanalarab.com/الاثنين ١٥ تشرين الثاني \(نوفمبر\) ٢٠١٠](https://www.diwanalarab.com/الاثنين%2015%20تشرين%20الثاني%20نوفمبر%202010) (in Arabic)
10. Sheikh Al-Iskandari. (1919). The Mediator in Arabic Literature. Al-vasit fi al-adab al-arabiyyi. – Misr: Jami'at al-ma'arif. – 151p. (in Arabic)
11. Al-Husni M.V.R.,(2009) History of pre-Islamic and Islamic Arabic Literature.Ta'rixu al-adab al-arabiyyi al-asri al-jahiliyyi va al-asri al-islamiyyi.Damascus,Publishing house: Daru Ibni Kasir,-156p.(in Arabic)
12. Rustamov A. (1987), A word about a word.So'z haqida so'z., Tashkent, Uzbekistan.-160.p (in Uzbek).
13. Fakhuri X., (1959), History of Arabic literature.Istoriya arabskoy literaturi.Moscow., - 363p.(in Russian)
14. Al-Juvaydiy D.,(2005), Ibn Khaldun's Introduction. Muqaddimatu Ibn Khaldun., - 569 p. (in Arabic)
15. Dr. Al-Jundi Ali, (1966)History of Pre-Islamic Literature, volume 1. Ta'rixu al-adabi al-djahiliyyi, al-juz'u al-avvalu., Bayrut: Maktabatu al-jami'ati al-arabiyyati. – 408p.(in Arabic)
16. <https://www.almaany.com/ar/dict/ar>
17. <https://ghareeb.app/entry/lisan-al-arab/%D9%86%D8%AB%D8%B1>